



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



Қонун ва шарҳ

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ВАКОЛАТЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛДИ

Мамлакатимизда капитал ва сұғурта бозорини, шунингдек электрон тижорат соҳасини, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга рақамли технологияларнинг ва электрон тўловларнинг барча соҳаларга жадал равишда жорий этилиши аҳоли ўртасида таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинларнинг тарқалишига олиб келди. Бунда Интернет тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларнинг хукукий жиҳатдан тартибга солинмаганлиги, фуқароларнинг ушбу ўйинларга доимий равишда қизиқиб бориши хорижий ва ноқонуний сервислардан фаол фойдаланишга сабаб бўлди.

Олий Мажлис Сенатининг бўлиб ўтган 4-ялпи мавжлисида “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни сенаторлар томонидан маъқулланди. Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 12 та Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги зим масига капитал бозорини, сұғурта бозорини тартибга солиш, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш бўйича ваколатлар юклатилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЖАМИЯТ

№ 09
(930)
2025 йил
6 март,
Пайшанба

«СЛУШАЮ», ЎЗБЕК ТИЛИНИ ҚУТҚАРАЙЛИК

Бонг

Қизиқ маълумот: бола суяги она сути билан шаклланади, унинг руҳий жиҳатдан камолга етиши эса — она алласидан. Сут билан бирга кирган бу оҳанг — наслий туйғулар ва ҳаётий инстинкт, гўдакнинг жисму жонида илдиз отади.

Тилга — она мақоми берилиши ҳам шундан аслида. Бошқа тиллар ифодасидаги сўзлар ҳеч қачон она тилимиз каби туйғуларимиз таржимони бўла олмайди. Энди баланд-парвозликдан холи, тилнинг — ҳаёт-мамот масаласига тўхтальсан.




Она тилимиз нуфузини кўтариш... Афуски, бу масала ҳамон энг оғрикли дардимизdir. Бугун аҳоли шошилинч мурожаат этувчи масканлар, аэропорт, вокзал, меҳмонхоналар, хусусий клиникалар, кўплаб корхоналарда ўзбек тилини билмайдиган ходимлар (балки, билса ҳам гапирмайдиган) сабаб нокулай ҳолатларга тушаётгандар борлигини-да инкор этиб бўлмайди.

(Давоми 3-саҳифада)

«БЕШИНЧИ ҚАВАТДАН ОТИБ ЮБОРАМАН!»

фарзандим, неварам соғлом
бўлсин, десангиз, тилингиз,
қўлингизни тийинг!



(Давоми 6-саҳифада)

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАШАББУС

Ўзбекистон ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни бошлаб, биологик хилма-хилликни сақлаш борасидаги саъи-ҳаракатларини давом эттиrmокда. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаш



тўғрисидаги
конвенция (СМС)
иштирокчиларининг
14-конференциясига раислиги
доирасида СМС котибияти билан
биргаликда Берлин шаҳрида янги
мамлакатларни Конвенцияга
жалб қилишга қаратилган юқори
даражадаги тадбир ташкил этилди.

(Давоми 5-саҳифада)



ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Шунингдек, қонун хужжатлари га акциядорларнинг дивидендлар тўланишига доир ҳуқуқларини мустаҳкамлашга, акциядорлик жамиятлари ходимларига акцияларни сотиб олиш учун имтиёзли ҳуқуқ берилишига қаратилган, акциядорлик жамиятларида веб-сайтлар мавжуд бўлишининг мажбурийлиги тўғрисидаги талабларни ва улар томонидан ахборотнинг ошкор этилиши тартиби талабларини соддаштирувчи ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказиш тартибини аниқлаштирувчи нормалар киритилди. Шу билан бирга “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунга суғурта ташкилотлари раҳбарияти ва мулкдорларининг ишчанлик обрўсига қўйиладиган талаблар киритилди.

“Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги қонунга фонд биржаси фаолиятини лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари Агентлик томонидан белгиланишини назарда тутивчи ўзгариши киритилди.

Кимматли қофозлар марказий депозитарийсининг кимматли қофозларга доир битимларнинг натижалари бўйича пул маблағлари ҳисоб-китобларига оид фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш Марказий банк ваколатига ўтказилди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонун жамият томонидан чиқарилаётган акцияларга обуна ўтказишида жамият ходимлари жамият томонидан жорий қилинадиган акциялар бирламчи оммавий жойлаштирилганда ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режаси доирасида акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эгалиги, дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилишда, бунда давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган корхоналарнинг акциялари фонд бозорида оммавий жойлаштириш йўли билан жойлаштирилган тақдирда, камида етти

йил давомида мазкур корхоналар соф фойдасининг камида 30 фоизи дивидендларни тўлашга йўналтирилиши каби нормалар билан тўлдирилди.

“Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий кирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга қарши қурашиб тўғрисида”ги қонунда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар сафига банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, “Миллий клиринг маркази”

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида крипто-биржаларда операцияларни амалга оширувчи норезидент юридик шахсларни солиқ органларида хисобга туриши назарда тутивчи ўзгаришилар киритилди. Даромадларни солиқка тортишда жами даромадлар таркибидан амалда кодексда назарда тутилган РЕПО операциялари бўйича даромадлар чиқариб ташланди.

Фонд биржасида эмиссиявий кимматли қофозларга доир битимлар тузилганда сотувчи (бундан эмитент мустасно) битим суммасининг 0,01 фоизи миқдорида йигим

божини ундириласлик тўғрисида ўзгариши киритилди.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунга давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган корхоналарга хизмат кўрсатувчи андеррайтерлар томонидан кимматли қофозлар шартномада назарда тутилганлигидан юкорироқ нарҳда ва (ёки) кўпроқ миқдорда жойлаштирилган тақдирда уларнинг хизматлари учун шартнома бошлангич суммасининг 10 фоизидан ортиқ миқдорда ҳақ тўланишига рухсат этилишини назарда тутивчи қўшимчалар киритилди.

“Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунга киритиллаётган ўзартиш ва қўшимчаларга асосан лицензия асосида 2025 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда Интернет бутунжаон ахборот тармоғида таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш фаолиятини, букмекерлик фаолиятини ва лотереяни амалга оширишга рухсат этилди.Faолият турларидан келиб чиқкан ҳолда лицензияни амал қилиш муддати беш йил этиб белгиланди.

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига Рақамли технологиялар вазирлигининг электрон тижоратни тартибга солиш ва ривожлантириш соҳасидаги вазифа, функция ва ваколатлари ўтказилаётганлиги боис, “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунга ҳам тегишли ўзгариши киритилди.

акциядорлик жамияти, қимматли қофозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва “Қимматли қофозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти, суғурталовчилар ва суғурта воситачилари ҳамда крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари ҳам киритилди.

“Қимматли қофозлар бозори тўғрисида”ги қонунга Эмиссиявий қимматли қофозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун мазкур чиқарилишдаги Эмиссиявий қимматли қофозлар номинал қийматининг 0,01 фоизи миқдоридаги, Фонд биржасида Эмиссиявий қимматли қофозларга доир битимлар тузилганда сотувчи битим суммасининг 0,01 фоизи миқдоридаги йифимлар Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига тўланиши, шунингдек қимматли қофозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ахборот ва ҳисоботлар бир йил ичидаги икки ва ундан ортиқ маротаба ўз вақтида ошкор этилмаган тақдирда, бартараф этилгунига қадар тўхтатиб турилишига доир қўшимчалар киритилди

тўлайди. Бунда сотувчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг тузилган битим бўйича даромадларига юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ва жисмоний шахслардан даромад солиги олинмаслиги белгиланди.

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган ўзгариши ва қўшимчаларга мувофиқ, Фуқаролик ишлари бўйича, Маъмурий ва Иқтисодий судларда Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги – ўз зиммасига юқлатилган ваколатларга мувофиқ судларга кўриб чиқиши учун бериладиган даъволар ва аризалар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинди. Шунингдек, ушбу қонунга фуқароларга енгиллик яратиш максадида таваккалчиликка асосланган ўйинларга қарам бўлган шахсларнинг ўйинини чеклаш учун судга мурожаат қилишда ўйинларга қарам бўлишнинг ижтимоий-сиёсий оқибатларини инобатга олган ҳолда жисмоний шахсни таваккалчиликка асосланган ўйинларга қарамлиги бўлган шахсларнинг рўйхатига киритиш тўғрисидаги аризаларини кўрганлик учун давлат

К. ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий
масалалари қўмитаси раиси
ўринбосари

АЁЛ МАЪНАВИЯТИ – ҚАЛБЛАРНИ БЕЗАР

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида хотин-қизларга катта эътибор қаратилаётганлиги, аёлнинг ҳаётдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, фарзанд тарбияси йўлидаги саъй-харакатларини кўллаб-кувватлаш борасидаги ғамхўрлиги мактаб таълимни соҳасида фаолият юритаётган барча муаллималарни қувонтироқда. Ҳар бир педагог бундай эътибордан катта куч олиб, янада шижаот билан ишлашга чоғланган.

Бекобод шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактаби Тошкент вилоятидаги энг нуфузли, салоҳиятли билим даргоҳларидан бири десақ, айни ҳақиқатdir. Зеро, мактабимиз 2021 йилда капитал таъмирдан чиқарилгач, шу йилнинг ўзида ТОП-1000 талигига киритилди ва “Замонавий мактаб” мақомини олди. Ҳозирда мактабимизда 71 нафар педагог 1198 нафар ўқувчига таълим-тарбия берib келаётган бўлса, ана шу устозларнинг 58 нафари хотин-қизлардан иборат. Президентимизнинг ўқитувчи мақомини ошираётганлиги, хотин-қизларга эътибор юзасидан қабул қилган қарор ва фармонларининг ижроси мактабимизда ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Мактабимизда 14 нафар олий тоифали муаллимларнинг 12 нафарини хотин-қизларимиз ташкил этаётганлиги кувонарли ҳол. Қолаверса, 18 нафар аёл устозлар директор жамғармасидан устама ҳақ олишади. Шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, инглиз ва рус тили фанлари бўйича 10, информатика фани бўйича 2 нафар муаллималаримиз



халқаро С1 сертификатига, 2 нафар устоз-муаллималаримиз эса миллий сертификатга эга.

Айтиш жоизки, ҳалол меҳнат, изланувчанлик ҳамиша моддий манфаатдорликни ҳам ошириб боради. Чунончи инглиз тили ва тарих фанлари бўйича 6 нафар устоз-муаллималарнинг 1000 АҚШ доллари миқдорида ойлик маош олаётганларни бор ҳақиқатdir.

Мактабимизда жами 6 нафар ўқувчи қизларимиз инглиз тилидан B2,

2 нафари эса C1 сертификатини кўлга киритган. 10 синф ўқувчиси Солиҳа Муротбоева спортнинг қаратэ тури бўйича 2 карра Ўзбекистон чемпиони.

Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, мактабимиз ўқувчиларни

фарзандларининг 2 нафарида Чирчик давлат педагогика университетига ўқишига киришлари учун квота ажратилган.

Мактабни битириб чиқкан собиқ ўқувчи қизларимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида, нуфузли дав-

касбга йўналтириш бўйича вилоядада таянч мактаб хисобланади. Касбий таълим ўқитувчиларидан Шоира Давлатова ва Малика Раимжонова 10-11 синф ўқувчи қизларига пазандалик, тикувчилик, кондитерлик, кўрпа қавиши ўйналишлари бўйича кунт билан сабоқ беради.

Ўтган ўқув йилида мактабимизни тамомлаган қизларимизнинг 15 нафари олий таълим муассасаларида таҳсил олишмоқда. Жорий ўқув йилида эса ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оила

лат ташкилотларида ишлаётганлиги бизни кувонтиради. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимизнинг барча аёл устозларини, меҳридарё ҳамкасларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан чин дилдан табриклийиз. Аёлнинг гўзалиги, унинг бой маънавий дунёси шогирдлари қалбida баҳордек безаниб турсин.

**Дилноз ЖЎРАЕВА,
Бекобод шаҳридаги
3-умумтаълим мактаби
директори**


«СЛУШАЮ» ЎЗБЕК ТИЛИНИ КУТКАРАЙЛИК

(Боши 1-саҳифада)

Кўпгина ташкилотларга сим қокишингиз билан «слушают» деган жавобни эшитасиз. Майли, бизда тил ва сўзлашув борасида ҳадсиз эркинлик бор, лекин масъул лавозимдаги ходим уйида, кўчада хоҳлаган тилида сўзлашса ҳам, иш жойида мурожаат этувчига ўзбек тилида жавоб берсин. Ўзи шундок ҳам тил борасида ўта «юмшоқ»лигимиз ва андишалигимиз сабаб, айрим муассасаларнинг сайтлари ҳали ҳам давлат тилида очилмайди, бир четда турган ўзбекча ҳаволани қидишига мажбур бўласиз.

Курилиш ташкилотларининг аксариятида иш юритиш рус тилида, шифокорларнинг ташхис варақалари, аксарият даволаш йўриқномалари ҳам рус тилида. Баъзи кафе, ресторанларга борсангиз пештоқида «добро пожаловать» деган ёзувга дуч келасиз, ичкарига кирсангиз, қорақўз хизматчиси ҳам сизга шу сўзларни тақорорлаб, эҳтиром билан кутиб олади. Балки очилгандаёқ, «мы открылись» деб нафас ола бошлаган бу каби мажмуалар ўзларига алал-оқибат шу қисматни тақдир этар...

Она тилимиз жонкуярларидан, адабиётшунос Зухриддин Исомиддинов ёзди: «Биз ўзбеклар, бағрикенг, кўнгли очик бир эл эканимиз ахли оламга яхши маълум. Чунки сабр-қаноат, муроқсай мадора деган нарса қонимизга сингиб кетган. Баъзидан аллакайси раҳнамоларининг даъватими, рағбатими билан, бир гурух шахслар Ўзбекистонда бошқа тилларни расмий тил даражасига кўтариш, унга ўзбек тили каби хуқуқий мақом бериш



таклифи билан чиқиб бонг урдилар. Гарчи «ғалчани иззат қилсанг, чориғи билан тўрга чиқади», каби аччиқ маколларимиз бўлса-да, бетамизларнинг тўрга чиқиб ёйилиб ўтиришига ҳам мудом чидағ келамиз. Кўркувни, истиҳолани андиша деб андавалаймиз».

Бугун давлат тилида сўзлашни истамайдиган «эркатойлар» камаймаяпти, аксинча, жим турсак бошқа тилларни ҳам ўзбек тилига тенглаштириш пайида бўлади. Дам-бадам тилимизга — тил текизувчилар, бу соҳада ҳар хил ташабbusларга «бел боғловчилар» ҳам кўпаяверади. Улар учун эса ҳаддини билдириб кўядиган қатъий механизм, тиштироқли қонунлар яратилиши шарт.

— Она тилимиз ҳамма замонларда ҳам босим ва тазиик остида тараққий этиб келгани кўз олдимдан ўтади. Хайриятки, унинг ўз ҳимоячилари, ўз фидойилари бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Улуғ Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-лугатайн» асарининг ёзилиш тарихини бир эслайлик. Бу улуғ неъматга тазиик ўтказаётганлар ташқаридан бўлганда масаланинг моҳиятини тушуниш осон кечади. Аммо душманлик ичкаридан бўлса-чи? Шундай пайтда менинг кўз олдимга адабий тилимизни бузяётганлар, унга нисбатан

менсимасдан муносабатда бўлаётганлар келади. Агар улар бошқа миллат вакиллари бўлса, бу — тушунарли. Аммо шу миллатга мансуб бўлса-чи? Ўзингдан чиқкан балога, қайга борасан даъвога!..

Мамлакатимизнинг бундан кейинги тараққиётida хорижий мамлакат ҳалклари билан иззат-хурматда бўлиш, керак бўлса, уларнинг тилларини ўрганиш бизга фақат ютуқлар келтиради. Аммо бунинг учун хорижий тилларнинг мақомини тафаккур тилимиз, миллий бисотимиз ва фуруримиз бўлган она тилимизга хукукий жиҳатдан тенглаштириб ўтиришга асло ҳожат йўқ. Ундан кўра марҳамат қилиб, она тилимизда тўғри ёзишини ва тўғри талаффуз қилишини ўрганайлик. Инсонийлик фурури билан ёнма-ён миллий фурур ҳам борлигини унутмайлик. Одамийлиги ва фурури бўлмаган ўзбекни дунёда ким танидио ким тан олади? — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, Самарқанд давлат университети профессори Суюн Каримов.

Ха, бугун онгимизда муз каби қотиб қолган — Давлат тилига эътиборсизлик иллатини барта-раф этишимиз, Она тилимизни «куткариш»имиз, жон берib ҳимоя қилишимиз лозим. Анча йиллар руҳий қарамлик исканжасида, қон-қонимизга сингиб кетган бефарқлигимиз билан — ўзимиз, ўз тилимизни шу қадар ожиз қилиб қўйдикмикин, деган ўйлар чарх уради баъзан. Қайсири давраларда, мажлису савол-жавобларда русча мурожаатларни ўзбек тилидагисидан устун қўямиз. Русийзабон ҳамсұхбатга шу тилда ёндашамиз, русча гапир-масак, ўзимизни мулзам ҳис этамиз. Бир қанча қўшиқчи юлдузларимиз ҳам «тил билмасликда» ким ўзарда. Шу тилда қўшиқ айтиб тириклик қиласиди, ўз тилида гапиришига қийналади. Шунчак кутдик, «Сабрнинг таги – сариқ олтин» дедик, сариқ олтиннинг сароби кўриниб қолди. Энди уйғониш даври келди.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ



ХАЁТ УЧУН МУХИМ

«Үрмөн экотизимларини сақлаш ва барқарор бошқариш: маҳаллий ҳамжамиятлар билан ўзаро ҳамкорлик ва бошқарув режаларини ишлаб чиқиши» мавзусидаги қатор давра сұхбатлари доирасыда Нукус шаҳрида «Хаёт учун мухим бўлган Орол дengизи ҳавзасидаги қирғоқбўйи үрмонларининг ўрни: ўтмиши, бугуни ва келажаги» деб номланган биринчи тадбир бўлиб ўтди.

Ушбу давра сұхбати тарзидаги учрашув Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иклим ўзгариши вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Таракқиёт дастури ва Глобал экологик фонднинг кўшма «Орол дengизи ҳавзаси ландшафтининг таназзул ерларида барқарор ҳаётни таъминлашни кўллаб-кувватлайдиган асос сифатида кўллар, сув-ботқоқ ва қирғоқбўйи ҳудудларини сақлаш ҳамда бошқариш» (The Aral sea wetlands) кўшма лойиҳасини амалга ошириш доирасида бўлиб ўтди.

Лойиҳанинг асосий мақсади Куйи Амударё ва Орол дengизи ҳавзаларида экотизимлар барқарорлигини ва ҳаёт манбаларини яхшилашдан иборат бўлиб, бу мақсадга тупроқ деградациясни олдини олиш ҳамда муҳофаза килинадиган табиий ҳудудлар, биохилма-хилликнинг асосий ҳудудлари ва муҳим орнитологик ҳудудлар атрофидаги самарали ландшафтларнинг ер ва сув ресурсларини комплекс бошқариш орқали эришилади.

Гибрид форматда (онлайн уланиш имконияти билан) ўтказилган тадбирнинг иштирокчилари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тегишли идоралар ва халқаро ташкилотлар ходимлари, Aral Wetlands лойиҳаси ва ОАВ вакилларидан (ходимлар ва эксперторлар) иборат бўлди.

Кирғоқбўйи үрмонлари ушбу экотизимларда истиқомат қилалигидан флора ва фаунанинг яшиши учун жуда муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли, бугунги кунда қирғоқбўйи экотизимларини муҳофаза қилиш ва сақлаб қолиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давра сұхбатининг мақсади маҳаллий аҳоли, үрмөн хўжалиги корхоналари ходимлари ва давлат органлари вакилларининг сув-ботқоқ ерлари ва үрмөн экотизимларини сақлаш муҳимлиги ҳақида хабардорлик даражасини ошириш, шунингдек, үрмөн экотизимларини сақлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни муҳокама қилишдан иборат бўлди.

Бўлиб ўтган давра сұхбатининг мақсади маҳаллий аҳоли, үрмөн хўжалиги корхоналари ходимлари ва давлат органлари вакилларининг сув-ботқоқ ерлари ва үрмөн экотизимларини сақлаш муҳимлиги ҳақида хабардорлигини ошириш, шунингдек, үрмөн экотизимларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни муҳокама қилишдан иборат бўлди. «Үрмөн экотизимларини сақлаш ва барқарор бошқариш: маҳаллий ҳамжамиятлар билан ўзаро ҳамкорлик ва бошқарув режаларини ишлаб чиқиши» мавзусидаги давра сұхбатлари сериясини ўтказиш маҳаллий ҳамжамиятлар ва манфаатдор томонларни ўрмонларни бошқариш режаларири



ни ишлаб чиқиш жараёнига жалб этишини таъминлайди аа The Aral Sea Wetlands лойиҳасини амалга оширишнинг барча босқичларида самарали мониторинг ва таракқиётни муҳокама қилиш учун шароитлар яратади.

Ўзбекистон Республикасининг үрмөн фонди майдони 8 050,4 минг гектарни ташкил этиб, бу мамлакат умумий ҳудудининг 18,2 фоизини ташкил қиласди. Қирғоқбўйи үрмонлари ёки тўқайлар ушбу фонднинг 1 фоизидан камини ва Ўзбекистоннинг қатъий муҳофаза қилинадиган ҳудудларининг факат 2 фоизини ташкил этиб, тахминан 75 минг гектарни эгаллайди. Кенг миқёсли чўл тўқайлари Амударё дарёси водийси, унинг дельтаси, Сирдарё, Сурхондарё, Зарафшон ва Чирчиқ дарёлари водийлари, шунингдек, Ангрен ва Қашқадарё дарёларининг қуйи оқимлари бўй-

лаб тор йўллар ёки оролчалар кўришида мавжуд.

Тўқай үрмонлари – Ўзбекистон биохилма-хиллигини сақлаш учун катта аҳамиятга эга бўлган ноёб биотоплар бўлиб, улар ёввойи табиатнинг Жаҳон жамғармаси (WWF) «Глобал рўйхат 200» га киритилган. Бу үрмонлар эндемик ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турлар учун ҳаётий муҳим яшаш жойларидир. Асосан, даврий равишида сув босадиган ёки кам тузланган жойларда учрайдиган дарахт ўсимликлари – турнга, тол ва жийда киради. Нам ва тузланган

участкаларда эса йулғун, ажриқ, олабута эшакшўра ўсимликлар, парнолистник, ақбош, қарабарак ва турли шўраларни учратиш мумкин. Ҳозирги пайтда Амударё қуйи ҳавзаларидаги тўқайларда тахминан 55 хил тўқай ўсимлик турлари мавжуд.

Сўнгги юз йил ичиди Марказий Осиёда тўқай үрмонлари 90% га кескин камайди. Бу қисқариш тўғонлар ва ирригация инфратузилмаси туфайли мавсумий сув мавжудлигининг камайиши, ердан интенсив фойдаланиш (хусусан, пахта етиштириш), дарёлардан ҳаддан ташқари сув олиш ва үрмонларда ўтин ийғиш билан тушунирилади. Инсоннинг бундай фаолияти натижасида тупроқнинг кучли шўрланиши, үрмонларнинг деградацияси ва сув тошқинининг табиий конуниятлари бузилишига олиб келди. Амударё билан тўйинадиган Орол дengизининг куриши, бунинг ёрқин намунаси бўлиб экологик фалокат рамзига айланди.

Қобил СОҚИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Экология, атроф муҳитни
муҳофаза қилиш ва иклим
ўзгариши вазирлиги хузуридаги
Aral Wetlands лойиҳасининг
коммуникация бўйича
мутахассиси



ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАШАББУС

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикасининг Берлиндаги элчихонасида Конвенция котибиати билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда 50 дан ортиқ олий даражадаги вакиллар иштирок этди. Улар орасида Германиянг Атроф-мухит, табиатни муҳофаза қилиш, ядроий хавфсизлик ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш федерал вазирлиги штат котиби С. Тидоу, СМС конвенцияси ижрочи котиби Э. Френкел, Табиат ва биохилма-хилликни муҳофаза қилиш иттифоқи (НАБУ) Бош директори С. Бауманн, Бразилия, Непал, Венесуэла, Лаос, Жанубий Корея ва Колумбиянинг Фавқулодда ва муҳтор элчилари, элчиҳоналар ва ҳалқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича мамлакатимизнинг миллий ва ҳалқаро мікёсдаги стратегияси тақдим этилди. Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов СМС конвенциясига янги давлатлар қўшилиши муҳимлигини таъкидлаб, Ўзбекистон раислиги (2024–2026-йиллар) даврида ташкилотга аъзо бўлишдан манфаатдор давлатларга зарур ёрдам кўрсатишга тайёрлигини билдири.

Эми Франкел, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг кўчуб юрувчи турларни муҳофаза қилиш ташаббусини илгари суришдаги етакчи ролини қайд этиб, Самарқандда бўлиб ўтган Конвенция иштирокчиларининг 14-конференциясида қабул қилинган қарорларни амалга ошириш бўйича саъӣ-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлигини таъкидлади. Шунингдек, у иштирокчи мамлакатларга экологик ташаббусларни самарали амалга оширишга ёрдам берадиган стратегик хужжатларга тўхтади.

Иштирокчиларни Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган кўйидаги ҳалқаро тадбирларга таклиф этиш учрашувнинг муҳим қисми бўлди:

- Биринчи Самарқанд иқлими

форуми (2025-йил 4–5-апрель);

- “Эко Эхпо Сентрал Азия” экологик технологиялар ҳалқаро кўргазмаси (2025-йил 3–5-июн);
- СИТЕС Конвенцияси иштирокчилари конференциясининг 20-йигилиши (2025-йил 24-ноябрь – 5-декабрь).

Ўзбекистон глобал экологик кун тартибига содиқлигини яна бир бор тасдиқлаб, ҳалқаро ҳамжамиятни табиатни муҳофаза қилиш ва ёввойи ҳайвонлар кўчуб юрувчи турларининг барқарор келажагини таъминлаш бўйича биргаликда чора кўришга чакиради.

Атмосфера ҳавоси ифлосланиши: доимий ва мавсумий омиллар

Сўнгги вақтларда Тошкент шаҳри ҳавоси ифлосланиши долзарб масалага айланди. Бу ҳолат бир қатор табиий ва антропоген омиллар билан боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ер шарининг чўл ва ярим чўл хусусиятларга эга, чанг бўронлари тез-тез кузатиладиган миңтақасида жойлашган. Қолаверса, Тошкент тоғлар билан ўралган ҳамда бу шамол оқимиға тўсқинлик қиласи. Натижада ҳаводаги заарли моддалар ҳаракатланмасдан, бир жойда туриб колади ва атмосфера ҳавоси ифлосланишига сабаб бўлади.

Атмосфера ҳавоси сифати мониторингида бир қанча дисперс заррачалари миқдорлари мониторинг қилиб борилади. Булар орасида энг кўп миқдордаги заррача ПМ2,5 заррачасидир.

Тошкент шаҳри ҳавоси ифлосланиши, асосан, куз-қиши мавсумига тўғри келмоқда. Бунинг асосий сабаби иссиқлик таъминотида мазут, кўмир ва бошқа заарли воситалардан фойдаланиш, иссиқхоналар ва саноат корхоналарида фильтрлардан фойдаланмаслик ва бошқа мөъёрий талабларга амал қилмаслиkdir.

Бундан ташқари, транспорт воситалари бутун йил давомида ҳавонинг ифлосланишига сабаб бўладиган доимий манба ҳисобланади. Қолган манбалар мавсумга караб ўзгаради: октябрь-февраль

Факт!

Жаҳон банки тадқиқотларига

кўра, ПМ2,5 заррачалари асосий

манбалари кўйидагилар:

- табиий чанг — 36 фоиз;
- иссиқлик таъминоти — 28 фоиз;
- транспорт воситалари — 16 фоиз.

ойларида иситиш воситалари, март оидан сентябрь ойигача табиий чанг ифлосланишнинг асосий манбасига айланади.

Маълумот учун, Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан бошқа масъул ташкилотлар билан биргаликда атмосфера ҳавоси ифлосланишига қарши доимий экологик назорат тадбирлари олиб борилмоқда. Хусусан, куз-қиши мавсумида иссиқхоналар фаолияти туну кун ўрганилмоқда, атмосферага мөъёридан ортиқ зарарли ташламалар чиқараётган иссиқхоналарга тегишли чоралар кўлланилмоқда, фаолияти тўхтатилмоқда ва бу борада керакли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Яшил ривожланиш бўйича ҳамкорлик

Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов Глобал Яшил ривожланиш институти (ГГГИ) худудий бошкармасининг янги раҳбари Сеунг Еон Стелла Ли билан учрашиди.

Маълумот учун: Сеунг Еон Стелла Ли жорий йилнинг январ ойида Ўзбекистондаги ГГГИ миңтақавий ваколатхонаси раҳбари этиб тайинланган эди. У Сеул Миллий Университетида бакалавр, Колумбия университетида ҳалқаро муносабатлар бўйича магистр ва шахар ва миңтақавий режалаштириш бўйича PhD даражасига эга.

Мулоқот чоғида вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг асосий

экологик ташаббуслари, жумладан, 2025-йилнинг “Атроф-мухитни асрар ва «яшил иқтисодиёт» йили” деб ўзлон қилиниши, Иқлим кенгаши ва Чиқиндиларни бошқариш ва циркульяр иқтисодиётни ривожлантариш агентлигининг тузилиши, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси, Орол денгизи тубида 2 миллион гектар майдонда ўрмон барпо этиш ва бошқа ташаббусларни тақдим этди.

Учрашувда асосий масала ГГГИ билан иккى томонлама ҳамкорлик бўлиб, унинг доирасида яшил ўсиш индексида Ўзбекистон рейтингини ошириш, молиявий механизmlарни таъминлаш бўйича институционал салоҳиятни кучайтириш, барқарор лойиҳаларга ҳалқаро инвестицияларни жалб қилиш, “Экофаол фуқаро” ва “Экологик суғурта” дастурларини кўллаб-куватлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон томони ГГГИ вакилларини 2025-йилда бўлиб ўтадиган кўйидаги йирик экологик тадбирларга таклиф қилди: СИТЕС конвенцияси иштирокчилари конференциясининг 20-йигилиши (24-ноябрь – 5 декабрь), Биринчи Самарқанд иқлим форуми (4–5-апрель) ва Атроф-мухит технологиялари ҳалқаро кўргазмаси (Эко Эхпо Сентрал Азия).

Учрашув якунида вазирлик ва ГГГИ ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича келишувга эришилди. Хусусан, томонлар экологик лойиҳаларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, “яшил” молиялаштириш механизmlарини ишлаб чиқиш ва барқарор ривожланиш соҳасида илғор ечимларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни давом эттиради.

**Ўзбекистон Республикаси
Экология, атроф-мухитни
муҳофаза қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги
Матбуот хизмати**



«Бешинчи қаватдан отиб юбораман!»

фарзандим, неварам соғлом бўлсин, десангиз, тилингиз, қўлингизни тийинг!

(Боши 1-саҳифада)

Атиги бир лаҳзалик жаҳл — сараторондан хавфлироқ дардларни уйготиб юбориши мумкинлигини биласизми?

Ўн олти ёшли Асилжон тушкунликка тушиб, тиббий муолажаларни олгиси келмаётгани, бошидан кетмай парвона бўлаетган онаси билан ҳам гаплашиш ёқмай қолганини айтиб, руҳий кўмак сўраган Маржонанинг овози анчагина хавотирили эди:

— Кече операциядан чиқибида опа. Аҳволи яхши эмас.

Эртасигаёқ беморнинг хузурига бориши, онаси билан алоҳида гаплашиб кўришга қарор килдим.

У бир муддат карахт ўтириб, чукур хўрсинганча сўз бошлади:

— Боламнинг болалиги бўлмаган. Доим руҳий босим остида эди. Қайнотам 00:00 да ухлаб, сахарда турар, қаттиқ бақириб неварасини ҳам уйготиб оларди.

— Тур, молдай ағанаб ётаверсанми? Бозорга чиқ. Савдони ўрган. Тириклилик қил!

Етти-саккиз ёш болакай уйқусираб

туриб, чала-чулпа нонушта килиб атир-упа сотадиган амакисига югурудаклик қилиш учун бозорга чопарди.

— Мактаби-чи?

Аёл яна чуқур хўрсинди:

— Ўзи ҳам тузук-куруқ ўқимаган қайнотам учун мактаб гўёки йўқ эди. Унинг бор-йўқ олами уйимиз биқинидаги гавжум бозор бўлиб, барча фарзандлари, невараларини ўша ерга хайдаган. Ўғлим эса беш ёшидан бери атири сотарди.

— Беш ёш? Ошириб юбормадингизми?

— Йў-ўқ. Эътиroz билдириб, боламни бозордан қайтарсан, ҳақоратларга кўмилиб кетардим. Қайнотамни етмагандай қайнонам ҳам анча зулм қилган. Болаларим тўйиб овқатланмас, егуликлар кулф-калитли эди. Музлаткини очгани кўркардик. Кейин эрим хорижга ишлагани кетди. Зулм ва ҳақоратлар янайм кучайди. Уйдаги носоғлом муҳит асабларимни тутгатди. Кейин мен катта хатога йўл қўйдим. Ўзимни кечира олмаяпман.

— Қандай хато?

Аёл узокларга тикилиб қолиб, кўзи ёшланди:

— Фақат мен-гагина эркаланадиган ўғлимни ўзимдан итара бошладим. Амакиси бераётган кунлик маошни ноилож

бобосига бериши ёқмай қолиб, уни силталай бошладим. Қайнонам менга ўшқирса, мен боламга икки баробар ўшқирсангина хумордан чиқардим. Атайин қилганим йўқ, лекин ўзимни назорат қила олмай қолгандим. Кейин янайм кутурдим.

Опа, бир дўхтир саратон са-



бабларидан бири кучли руҳий босим деди, шу ростми?

Вижданан эзилавериб, бир бурда бўлиб қолган онага қараб бош силкидим.

— Афсуски, шундай...

Болалар руҳшуноси сифатида мен бу каби муаммолар, яъни руҳий тажрибалар қандай қилиб у ёки бу соматик реакцияга олиб келиши мумкинлиги ҳақида соатлаб гапиришим мумкин. Носоғлом муҳитли оила аъзолари нафақат саратон, балки бошқа касалликларга ҳам мойил бўлишади. Айниқса болалар. Уларни саратон эмас, оддий шамоллаш ҳам ўлдириши мумкин. Муболаға деманг. Чунки бақир-чакир, ур-сурли хонадондаги вазият энг кучли заҳардан ҳам баттар. У иммунитети ҳали яхши шаклланмаган мурғакларни осонгина нобуд қилиши мумкин. Масалан, ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган Солиха бешигини жудаям яхши кўрарди. Чунки унга белашса, онажониси ширави овозда дунёдаги энг ёқимли аллаларни бошларди-да.

Ўша куни ҳам у алла тинглаб, мазза қилиб ухлаётган эди. Эҳтимол ширин тушчалар кўраётган бўлган... Нимадандир қаттиқ жаҳли чиқиб, важоҳат билан она-боланинг тепасига келган ота жуда қаттиқ овозда аёлига бақирган. Гўдак чўчиб уйғониб чириллаб ийглай бошлаган.

Шундан сўнг уни хеч ким овута олмаган. Бешикни кўрса янайм авжига чиқиб додларди... Гўдакни кўрган оиласи шифокор уни онкогемотолог кўригига юборади. Қизалоққа оқкон деб ташхис қўйишади.

Обдон сўраб суринтирган дўхтир охирги саволини беради:

— Бирор нарсадан қаттиқ кўркмаганмиди, мабодо?

Умрида биринчи марта хотинига жаҳл билан қаттиқ бақирган ўша машъум кунни эслаб отанинг боши эгилди.

Дўхтир надомат ила бош чайқаб,

шокка тушиб қолган ота-онага дейди:

— Ўша биттагина кучли стресс етарли бўлган оқкон учун. Афсус...

Бундан етти-саккиз йил аввал Чилонзордаги Гемотология марказининг болалар бўлимига кўп бориб турардим.

Акаси кўйлагининг ичига курбақа солиб, қўрқитиб оқкон қилиб қўйган жажжи Наргизани кўп эслайман. Жудаям чиройли эди у. Балки улгайиб катта бўлгандада янам чиройли бўлармиди?! Арзимаган тўполони учун тогаси билагидан қисиб «бешинчи қаватдан отиб юбораман» деган олти ёшли Улуғбек ҳам бошқача эди. Сап-сариқ соchlари жингалак Катя эса онаси болалар уйининг эшиги тагида алдаб қолдириб кетгани учун оқкон бўлиб қолганди...

Кундалигидаги битта икки учун «ўлдираман» деган дада, ҳали ўн ёшга тўлмаган ўғлининг мурдасини кучоқлаб жинни бўлиб қолганини кўрганман. Арзимаган шўхликлари учун «Оёққинанг синсин» деб қарғайверадиган она ўсимта туфайли оёғи болдиридан кесилган ўғлининг оёғини кафандаб телбавор ўкириб юборгани ҳам ёдимда. «Сен одам бўлмайсан. Отангга ўхшамай ўл! Кўрсам бузилган турмушим, увол бўлган ёшлигим эсимга тушади...» деявергач бош мия саратонига чалиниб ҳаммасидан қутулган мурғак Мафтунанинг тақдири янам оғиррок эди. Ўқитувчиси «яна қиз болани урсанг, иккала кўлингни чопиб ташлайман» деб қўрқитган етти ёшли Умиджон ҳам, афсуски, аллақачон вафот этган.

Тўғри, болаларда саратон ва оқкон пайдо бўлиши — факат стресс, қўрқувлардан эмас. Ирсий мойиллик, экологиянинг бузилиши, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги заҳарли моддалар, нотўғри овқатланиши, гигиена воситалари таркибидаги кучли заҳарлар, дори-дармонларнинг пала-партиш кўлланиши, жисмоний харакатларнинг чегараланиб қолгани ва хоказо... ўнлаб сабаблар бор.

Бирок...

Носоғлом муҳитда улгаяётган мурғаклар кўп касал бўлиши бор гап. Ҳатто она қорнидаги хомила ҳам стрессни ҳис қиласи. Бўлажак она эшитаётган ҳақоратни эшитади. Она еган калтакларни теппа-тeng ейди... Энг ёмони, аждодларимиздан мерос бўлиб, ДНКмизда кодланган барча катта-кичик касалликлар учун идеал муҳит юзага келади. Пайт пойлаб турган онкохужайралар хужумга ўтишади.

Бас, шундай экан, фарзандим, неварам соглом бўлсин, десангиз, тилингиз, қўлингизни тийинг!

Кун келиб пушаймон бўлмаслик учун жаҳлни жиловланг!

Муazzзам ИБРОХИМОВА



Ўрмончилик соҳасидаги ягона аёл раҳбар

Мамлакатимизда ўрмончилик соҳасида кўплаб фидойи инсонлар фаолият юритган. Аммо, улар орасида қашқадарёлик Раъно Бозорованинг алоҳида ўрни бор. У нафақат ўрмон хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, балки соҳада узок йиллар фаолият кўрсатган ягона аёл раҳбар сифатида хурмат қозонган. Ўз даврида опанинг фидокорона меҳнати туфайли экологик муҳофаза, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий ривожланиш йўналишларида сезиларли натижаларга эришилган.

ошлиди ва инқироздан чиқиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

У меҳант фаолияти давомида халқаро тажриба ва инновацион ёндашувлар асосида иш олиб борди. Соҳага оид илгор ютукларни ўрганиш мақсадида бир неча марта хорижий давлатларда бўлди. Туркия ва АҚШга хизмат сафарлари давомида замонавий ўрмончилик технологияларини ўрганиб, Ўзбекистонга олиб келди. Унинг раҳбарлигига томчилатиб сугориш тизими жорий қилинди, бу эса сув танқислиги шароитида экинларни самарали стиштириш имконини берди.

Раъно Бозорова раҳбарлик қилган даврда ўрмон хўжалигининг фойдаланилмай келинаётган йерларида писта, бодом ва коврак плантациялари барпо этилди. Натижада маҳаллий аҳоли учун кўшимча даромад манбаси яратилди. У ўз фаолиятида факат ўрмонларни кўпайтириш билан чекланмай, экотизимни барқарор сақлаш ва иқтисодий манбаатдорликни ошириш таомилларига ҳам амал қилди.

Опанинг самарали меҳнати давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилган. У 2017-йилда “Дўстлик” ордени, 2022-йилда эса “Мўтабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Табиатни асрар – инсониятни асрарлайдир. Экологик барқарорлик йўлида самарали меҳнат қилган Раъно Бозорованинг ҳаёт йўли бугунги ёшлар учун чинакам ибрат намунаси. У ташаббускорлиги ва меҳнатсеварлиги билан ўрмон хўжалиги соҳаси ривожига мунособ ҳисса қўшган инсон сифатида хурмат-эътиборга лойикдир.

**Галибжон ҚУРБНОВ,
Экология, атроф-мухитни
муҳофаза қилиш ва иқлим
ўзариши вазирлиги хузуридаги
Ўрмон хўжалиги агентлиги
директори ўринбосари**

Раъно Бозорова ўрмон хўжалиги соҳасига болалигидан меҳр қўяди. 1986-йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ўрмон хўжалиги йўналиши мутахассислиги бўйича таомлаган. У раҳбарлик қилган даврда Дехқонобод давлат ўрмон хўжалиги энг оғир худудларидан бири бўлишига қарамай, узокни кўзлаб қилинган меҳнатлар эвазига яхшигина ютуқлар кўлга киритилди.

Ташаббускор раҳбар аёл халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга кўйиб, БМТнинг Озиқовқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) билан биргаликда “Тоғ ва водий ўрмонзорларини барқарор бошқариш” лойиҳасини амалга оширеди. Натижада лойиҳа доирасида кўчатхо-

налар ва иссиқхоналар барпо этилди, томчилатиб сугориш тизими жорий қилинди. Бу эса қурғоқчил худудларда ўрмонзорларни тикилаш ва барқарор экотизим яратишга замин яратди.

Раъно Бозорова аёлларнинг бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Унинг ташаббуси билан 150 дан ортиқ ишсиз аёллар доривор гиёҳлар йигиш ва гилам тўқиши орқали касаначилик асосида даромад топиш имконига ега бўлди. Шу билан бирга, ФАО лойиҳаси доирасида “Ўрмон хўжаликларида гендер тенглигини таъминлаш” бўйича ишлар олиб борилди ва 20 нафарга яқин аёллар доимий иш билан таъминланди. Бу ташаббуслар натижасида Дехқонобод ўрмон хўжалигига иқтисодий ўсиш

Муассис:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология,
атроф-мухитни
муҳофаза қилиш
ва иқлим
ўзариши вазирлиги

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Акмал САИДОВ
Актам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсад
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буортма раками Г-210
Адади: 1600
Пайшанба куни чиқади.
Коғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигига
2006 йил 0010-ракам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жиҳатдан сифатли
чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
масъул.

Маълумот учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6



АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

ИНСОН ҚАДР ИЛА УЛУҒДИР

Аждодлар руҳига ҳурмат халқимизнинг энг олий фазилатларидан биридир. Ўзбек халқи ватани, халқининг фаровонлиги, тинчлиги йўлида жонини фидо этган фарзандларини ҳеч қачон унуган эмас.

Инсоннинг қадри, ҳурмати ҳар доим эъзозга лойик. Халқимизга хос хислатлар ҳақида айтадиган бўлсак, албатта, қадр-киммат, меҳр-оқибат каби фазилатлар тилга олинади.

Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жон фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги кунимизни қадрлашга ўргатади. Хотира бу – тарих. У кечаги ўтмишни, аждодлар ўғитини, миллий меросимизни англатиб турувчи – муқаддас китоб зарваракларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Шу боис, инсон ўз хотира бойликларини қадрлайди.

Инсонга ҳар куни тинчлик осоишишалик ва хотиржамлик керак. Тинчлигини йўқотган инсон ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам бўла олмайди. Тинчлик-хотиржамлик – тараққиёт гаровидир.

Биз азал-азалдан тинчликсевар халқмиз. Айнан шу ғоя тарғибига бағишлиган буюк миллий маънавий меросимиз бор. Уларнинг барida тинчликнинг қадрига етиш тарғиб этилади, уруш эса батамон қораландади.

Бутун дунёда миллионлаб инсонларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши башарият тарихидаги энг даҳшатли, қонли қирғин бўлганини, орадан қанча йиллар ўтсада, эзгу ниятли дунё ахли ҳеч қачон унумтайди.

Ҳар йили Иккинчи жаҳон урушида катнашган ватандошларимизнинг қаҳрамонларлари эслага олиниб, Ўртбошимизнинг алоҳида қарорлари асосида Иккинчи жаҳон уруши катшашчилари ва фронт ортида хизмат қилган инсонлар, шу-

нигдек мустақиллик йилларида юрт тинчлиги йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган Ватан ҳимоячилари хотирланади ва қадрланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги Қарори сўзимизнинг исботи бўлади. Қарорда “Халқимизнинг Ватан ҳимояси йўлидаги юксак мардлик ва қаҳрамонликла-

юзи аҳолисининг 80 фоизи иштирок этган.

Европа, Осиё ва Африка китъаларидаги 40 та давлатни бевосита қамраб олган уруш харакатларига 110 миллион киши сафарбар этилгани ва бу қирғинда жами 70 миллион киши ҳалок бўлгани ҳар қандай одамни ларзага солади. Энг кўп қурбонлар собиқ Иттифоқ республикалари ҳиссасига тўғри келиб, карийб 27 миллион кишини ташкил этганини бугун ҳам улкан қайгу ва изтироб билан эслаймиз

Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши даврида кўрсатган жасорати, букилмас иродаси ва матонати, инсонпарварлик фазилатлари авлодлар учун муқаддас хотира ва одамийликнинг юксак намунаси бўлиб қолмоқда. Бугунги тинч ва осоишишта, эркин ва фаровон ҳаёт учун азиз жонини фидо қилган аждодларимизнинг ёрқин хотирасини ёд этиб, уларнинг эзгу ишларини муносиб давом эттириш — тинчликни буюк неъмат деб биладиган бағрикенг ва олижаноб халқимизга хос азалий қадриятдир.

ри барча авлодлар учун намуна ва ибрат мактаби вазифасини бажариб келмоқда. Ҳусусан, Иккинчи жаҳон урушига ўзбекистонликларнинг 2 миллионга яқини сафабар этилиб, шундан 538 минг нафардан ортиғи жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган, 158 минг нафардан ортиғи бедарак йўқолган, мустақиллик йилларида 200 нафарга яқин ҳарбий хизматчилар ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари мамлакатимизнинг тинчлиги ва осоишишалиги йўлида ўз жонларини фидо қилганлар” дея таъкидланади.

Урушда ўша пайтда дунёдаги мавжуд 73 та давлатдан 62 таси, Ер

Уруш йилларида машақкатли меҳнат ва азоб-уқубатдан бошқа нарсани кўрмаган одамларнинг кўпчилиги қайгу-алам гирдобида жон бердилар. Шунга ўхшаш уруш қатнашчиларининг талай қисми ёруғ



кунларни кўрмади. Бироқ шуни унумтаслик керакки, ота-боболаримиз мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар ва талофатлар ҳисобига бутун инсоният бошига тушган оғатни бартараф қилишга улкан ҳисса кўшиб, жаҳон тарихида ўчмас из қолдиришди.

Халқимиз мудхиш уруш йилларида ўзининг юксак гуманистик фазилатларини намоён этди. Ўзбекистонга олиб келинган турли миллатга мансуб минг-минглаб инсонларга бошпана берди, меҳр-шафқат, одамийлик кўрсатиб, энг сўнгги нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши даврида қўрсатган жасорати, букилмас иродаси ва матонати, инсонпарварлик фазилатлари авлодлар учун муқаддас хотира ва одамийликнинг юксак намунаси бўлиб қолмоқда. Бугунги тинч ва осоишишта, эркин ва фаровон ҳаёт учун азиз жонини фидо қилган аждодларимизнинг ёрқин хотирасини ёд этиб, уларнинг эзгу ишларини муносиб давом эттириш — тинчликни буюк неъмат деб биладиган бағрикенг ва олижаноб халқимизга хос азалий қадриятдир.

Бугунги кунда амалга оширилётган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида “Инсон қадрини улуғлаш” ғояси асосий ўрин эгаллайди. Ушбу тамойил ҳам хотира ва қадрлаш тушунчаси билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, халқимизнинг азалий эзгу орзу-интилишларига тўла жавоб беради

Президентимизнинг номи юқорида қайд этилган қарорининг мазмун ва моҳиятида Ватан ҳимояси йўлида, мустақиллик юртнинг тинчлиги ва осоишишалиги йўлида ўз жонларини фидо қилган инсонларни хотирлаш халқимизнинг азалий қадриятларидан бири эканлигидан далолат беради.

**Бўри ҚОДИРОВ,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти бўлим
бошлиғи**